

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СИРДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ 24-52-18-СОНЛИ
А Ж Р И М И

2018 йил декабрь ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати [REDACTED] вилояти Иқтисодий судининг биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси Б.Бобоев, ҳайъат судьялари Ш.Мамиров ва А.Улмасовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси И.Илхомовнинг котиблигида, тарафлардан [REDACTED] вилоят прокуратураси жинойи суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлим прокурори О.Бобокулов, судланган Ж.Абдуллаев ва унинг ҳимоячиси, адвокат М.Хамраеваларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 2012 йил 19 ноябрдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, Жарқўрғон туман прокурори ёрдамчиси лавозимида ишлаган, [REDACTED] кўчаси, 32-уй, 2-хонадонда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилганга нисбатан чиқарилган ҳукми устидан [REDACTED] вилояти прокурори томонидан билдирилган протестга асосан жиноят иши кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлар бўйича [REDACTED] судининг 2012 йил 19 ноябрдаги ҳукмига кўра, [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 45,57-моддаларини қўллаб 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазибаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Мазкур ҳукм билан [REDACTED] ҳам судланган бўлиб, унга нисбатан қисми кассация ва назорат инстанцияларида кўрилган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] 2007 йил 13 март кунидан 2012 йил 20 февраль кунига қадар вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимида бўлим прокурори лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимида кўра мансабдор шахс бўла туриб, вилоят молия бошқармаси етакчи иқтисодчиси [REDACTED] билан ўзаро жинойи тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида вилоят Муסיқали драма театрининг 2007-2008 йиллардаги штатлар жадвали нормативлар асосида тузилганлиги

ҳақидаги сохта далолатнома ёзиб, тақдим этиш эвазига жиноий шериги [REDACTED] орқали театр директори [REDACTED] дан 1000 АҚШ долларини ва олма, нок, анор, банан, киви каби жами 120.000 сўмлик меваларни пора тариқасида олган.

Протестда, [REDACTED] нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли, суд ҳукмининг [REDACTED] га оид қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан ҳаракатдан тугатиш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш юзасидан судья Б.Бобоевнинг маърузасини, прокурор О.Бобоқуловнинг протестни қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси М.Ҳамраеваларнинг протестни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини ҳамда судланувчини охириги сўзини тинглаб, протестдаги важларни иш материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини бекор қилиб, кассация протестини қаноатлантиришни лозим топди.

Судлов ҳайъати, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига етарлича баҳо берилмасдан, суд тергови тўлиқ ўтказилмаган ҳолда иш бўйича аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатларни аниқлашга қаратилган чоралар кўрилмасдан, процесс иштирокчиларининг ҳар бир важини чуқур ва ҳар томонлама текширмасдан, иш ҳолатларига ойдинлик киритмасдан туриб, [REDACTED] ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми “б” банди билан айблаш ва жазо тайинлаш ҳақида асоссиз, нотўғри тўхтамга келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги, 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги, 112-моддасида гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқроп бўлиши, бу иқроп бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкинлиги, гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқроп бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозимлиги ҳақидаги нормалар белгилаб ўтилган бўлсада биринчи инстанция суди юқоридаги ЖК, ЖПК нормаларига риоя қилмаган.

Хусусан, [REDACTED] пора олганликда айбланган бўлсада, иш бўйича пул ва бошқа ашёвий далиллар олинмаган ва уни айбини тасдиқловчи инкор этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд эмас.

Судланган [REDACTED] нинг зиммасига қўйилган айблов фақатгина унинг икrorлиги ва жабрланувчининг кўрсатувларига асосланган бўлиб, ҳодиса гувоҳи бўлган ёки ундан хабардор шахслар аниқланмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасида ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ёки айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш каби асослар мавжуд бўлиши белгиланган бўлсада, айбланувчи зиммасига қўйилган айблов фақат айбланувчи ва жабрланувчиларнинг тахмин ва исботланмаган кўрсатувларига асосланган.

[REDACTED] прокуратураси томонидан [REDACTED] га оид жиноят иши бўйича сўроқ қилинганда [REDACTED] ўз кўрсатувида [REDACTED] ва [REDACTED] лар томонидан унга нисбатан содир этилган ноқонуний ҳаракатлар, яъни асоссиз ушлаш, руҳий ва жисмоний тазйиқлар туфайли содир этмаган жинояти ҳақида икrorлик кўрсатуви берганлигини маълум қилган.

Шунингдек, [REDACTED] прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган [REDACTED] га оид жиноят иши бўйича сўроқ қилинган [REDACTED] ўз кўрсатувида [REDACTED] га АҚШ доллари бермаганлигини, [REDACTED] нинг ўзи театр директоридан АҚШ долларини олганлигини ва ўз ташаббуси билан [REDACTED] сўрамаган бўлсада, унга олиб бориб берганлигини, лекин МХХ ходимларининг босими остида [REDACTED] га 1000 АҚШ доллари берганлиги ҳақида кўрсатма беришга мажбур бўлганлигини баён қилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ҳам сўроқ қилинганда, дастлабки тергов ва судда берган кўрсатмаларини тасдиқламаслигини, [REDACTED] га пул бермаганлигини, [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказганлиги сабабли [REDACTED] айтиб турган ҳолатлар бўйича ариза ёзиб берганлигини баён қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95¹-моддасига кўра, агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала+ ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари бузилган ҳолда, жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилиши назарда тутилган.

Дастлабки тергов ва суд томонидан жиноят ишида [REDACTED]нинг пора олишдан иборат жиноятни содир қилганликдаги айбини тасдиқловчи далиллар бўлмасада, ЖПК талабларига зид равишда пора олишда айбдор деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасида судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши лозимлиги, ЖПК 484-моддасида жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги ҳукми бекор қилишга асос бўлиши, ЖПКнинг 493-моддасида жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб, суд ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда айблов ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишини тугатишга ҳақлилиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 9-банди 1-хатбошида, жиний ходиса юз бермаганлиги сабабли (ЖПК 83-модда 1-банди) оқлов ҳукми чиқарилиши, 2-хатбошида, қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли (ЖПК 83-модда 2-банди) оқлов ҳукми чиқарилиши назарда тутилган.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд этилган қонун талаблари, Пленум қарори тушунтиришларига кўра, [REDACTED]нинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми “б” бандидаги жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ҳукмнинг [REDACTED]га оид қисмини бекор қилишни ва жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан ҳаракатдан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-банди, 490, 493, 496, 498, 506, 509-моддаларига риоя қилиб, кассация инстанцияси суди

а ж р и м қ и л а д и:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 2012 йил 19 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми “б” банди ва бошқа моддалари билан [REDACTED] ва бошқаларга оид ҳукмнинг [REDACTED]га нисбатан қисми бекор қилинсин.

[REDACTED]нинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми “б” бандидаги жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан реабилитация қилинсин.

[REDACTED] айбсиз деб топилиб, оқлансин.

Ж.Абдуллаевга мулкӣ, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312-моддаларига асосан даъво ишини юритиш тартибида фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Протест қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи	имзо	Б.Бобоев
Ҳайъат судьялари	имзо	Ш.Мамиров
	имзо	А.Улмасов

“Ажрим” нусхаси аслига тўғри
Вилоят судининг судьяси

Б.Бобоев

